

МАМЛАКАТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ-ЁШЛАРДА ТАҲДИДБАРДОШЛИК ТУЙГУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-878-889>

Дармонов Алиёрбек Абдухалилович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Гуманитар фанлар кафедраси асистенти

E-mail: Darmonov87@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги даврда мамлакатимиз ёшларида гоявий хуружлардан ҳимояланиши маданиятини шакллантириши ва уларда бу йўналишдаги мустаҳкам таҳдиидбардошлик иммунитетини шакллантиришига хизмат қиласиган назарий хулосалар ва амалий таклифлар ишилаб чиқши, Мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда Ўзбекистон ёшларига хос таҳдиидбардошликни мустаҳкамлашдаги аҳамиатини, бу борадаги масалаларни ўрганиши зарурлигига доир фикр-мулоҳазаларини баён қилган.

Калит сўзлар: Янгиланаётган Ўзбекистон, мамлакатимиз ёшлари, таҳдиидбардошлик, ёшларга хос таҳдиидбардошлик, таҳдиидбардошликни мустаҳкамлаш омиллари, барқарорлик, хавфсизлик.

PRINCIPLES OF SUSTAINABILITY OF OUR COUNTRY - INCREASING THE FEELING OF THREAT OF YOUTH

Darmonov Aliyorbek Abdulkhalilovich

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

with the participation of the

Department of “Humanities” assistant

E-mail: Darmonov87@mail.ru

ABSTRACT

The article discusses the need to develop theoretical conclusions and practical proposals for the formation of a culture of protection against ideological encroachments among the youth of our country and the formation of a strong immunity to threats in this area.

Key words: Renewal of Uzbekistan, youth of our country, resilience, vitality of youth, factors of sustainability, stability, security.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается необходимость разработки теоретических выводов и практических предложений по формированию у молодежи нашей страны культуры защиты от идеологических посягательств и формированию стойкого иммунитета к угрозам в этой сфере.

Ключевые слова: Обновление Узбекистана, молодежь нашей страны, жизнестойкость, жизнеспособность молодежи, факторы устойчивости, стабильность, безопасность.

КИРИШ

Мамлакат барқарорлигини таъминлаш ва ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғусини шакллантириш бирор бир давлат ҳаётининг бошқа жабҳалардан ажралган қисми сифатида амалга ошмайди. Балки бу борадаги янгиланишлар ва ислоҳоитлар ҳам бошқа йўналишлардаги ўзгаришлар билан ҳамоҳангликда рўй беради.

Айни пайтда бу, жамият ҳаёти ва ундаги ёш авлод таҳдидбардошлиги ҳодисасининг бошқа жабҳалардаги таҳдидбардошлиқ ҳолатлари билан умумий бир мезонлар асосида шаклланишини англатади. Ҳар бир мамлакат хавфсизлиги ва таҳдидбардошлигининг муҳим шарти бўлган ушбу тамойил инсоният тарихининг барча даврлари қатори бугунги кун, айниқса, истиқололга яқинда эришган Ўзбекистон каби мамлакатлар учун умумий жараённи ифодалайди.

Бугунги кунда бу жабҳадаги ислоҳотларнинг уйғунлигини таъминлаш масалалари ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Бу масалаларни амалий аҳамият касб этиши учун эса аввало жамиятда адолат тамойилларининг барқарорлиги, ижтимоий адолат мезонларига тўлиқ амал қилиш талаб қилинади. Дарҳақиқат, ҳар қандай мамлакатда таҳдидбардошлиқни сақлаш ва шу йўналишдаги маънавий-маърифий тамойилларни яратиш учун шу мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси катта аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишининг дастлабки давридаёқ тинчлик ва хавфсизликини таъминлашни фаолитя-тимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик [1.316].

Таҳдидбардошлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Мустақилликка эндиғина эришган малакатлар учун эса бу масала

янада муҳимроқдир. Чунки бундай шароитда ушбу вазифани бажариш ўтиш даври билан бирга, одамларнинг онги, тафаккури ва қадриятлари ўзгариши билан узвий алоқадорликда кечади. Бутун жамият аъзолари мамлакат хавфсизлигини таъминламасдан ва миллий армияни оёққа қўймасдан туриб, таҳдидбардошликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин эмаслигига ҳар дақиқада амин бўлиб бораверадилар. Анашу сабабдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат-лар стратегияси истиқболини белгилашда барқарорлик ва хавфсизлик маса-лаларининг устуворлигига асосланган.

Тарихдан маълумки, ҳимоя - Қуролли Кучларнинг салоҳияти билан боғлиқ муҳим стратегик масала. Биз ўтиш даврининг мураккаб зиддиятларини бартараф этиб, бу соҳада нималарга эришдик?

Мустақилликнинг дастлабки қунлариданоқ ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида” берилган баёнотда таъкидланганидек: “Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ ички ишлар вазирлиги, собиқ иттифоқ давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички қўшинлари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади”[2].

Хавфсизлик масаласи бу фақатгина Қуролли Кучларнинггина вазифаси эмас. Барқарорлик, хавфсизлик ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш тушунчаси мазмун жиҳатдан кенг эканлигини кейинги вақтларда жуда кўп давлатлар ҳам англаб етмоқда. Буни давлатимиз раҳбари биринчилардан бўлиб назарий исбот этган эди.

Ҳар қандай умумбашарий муаммолар кичик-кичик иллатлардан бошланади. Бу иллатлар нотўғри хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида юзага келиши ҳам мумкин. Масалан, ўзи билан бошқа иллатларни етаклаб келувчи бокимандалик, бепарволик, лоқайдлик кўринишларини олайлик. Бу нуқсонлар тез орада бартараф қилиниши зарур. Бунинг учун бизда маҳалла деган таъсирчан тизим, ўзини ўзи бошқариш институти бор. Шунинг учун ҳам, 2022 йил 19 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга

дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбия-лашга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин”[3] деб белгиланганиши устувор аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида бугуни кунда Янги Ўзбекистонда мўъжаз Ватан ҳисобланадиган маҳаллага эътибор, давлат сиёсати даражасига қўтарилиганини яна бир исботлайди.

Истиқлол йилларидаги хавфсизлигимизга таҳдидлар, 2004 йилда Бухоронинг Ромитан тумани ва Тошкент шаҳарларида уюштирилган қўп-рувчилик ҳаракатлари, 2005 йилда Андижондаги воқеалари мисолида яққол намоён бўлди. Бу унчалик узоқ тарих эмас. Лекин, энг муҳими, бу воқеалардан халқимиз ҳеч қандай таҳликага тушиб қолмади. Аксинча, одамларнинг хушёrlиги, огоҳлиги ортди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, одамлар орасида огоҳлик, бирдамлик ҳаракатлари кучайиб бормоқда. Ҳеч қандай ёвуз кучлар Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлидан қайтара олмайди. Бунинг гарови — энг аввало, халқимизнинг огоҳлиги, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти ва ҳозирги кунда тубдан ислоҳ қилинаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган Қуролли Кучларидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “2021 — 2026-йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғриси”да имзолаган Фармонида “Глобаллашув шароитида ҳамда халқаро ва минтақавий можаралар трансформацияси давом этаётган бир пайтда, экстремизм ва терроризмга қарши самарали курашиш масаласи кун тартибидаги долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оиласи қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттироқда. Буларнинг барчаси фуқароларни экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилиш учун шарт-шароит яратмоқда. Шу муносабат билан, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва чек қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш манба ва каналларига барҳам беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади” [4] деб эътироф этганларни ёшларда таҳдидбардошлик туйғусини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

ХХ аср охири ва бизнинг асримиз бошларида халқаро терроризм таҳди迪 тобора кучайиб борди. Ўзбекистон ташаббуси билан террорчиликка қарши бир қатор давлатлар уюша бошлади. 2000 йилда Ўзбекистон, Қозо-ғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилдилар ҳамда “Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши қураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик түғрисида шартнома”ни имзоладилар. Бу Марказий Осиёдаги мавжуд вазиятдан келиб чиқсан муҳим ва оқилона қадам эди.

Ҳозирга келиб террорчиликка қарши қураш марказини тузишга қарор қилинди. 2001 йил июн ойи бошларида Минск шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлат бошлиқларининг саммитида бу йўналишдаги қурашиш масаласи муҳокама қилинди. 2001 йил 14-15 июнь кунлари “Шанхай конвенцияси” имзоланди.

Ушбу соҳадаги халқаро ҳаракатлар бузгунчи кучлар томонидан АҚШнинг марказий ва пойтахт шаҳарларига нисбатан амалга оширилган ҳужумлардан сўнг дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошчилигига коалиция тузиб, бу ёвуз душманга қарши аёвсиз қурашга киришдилар. Ўзбекистон АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралади ва АҚШ бошчилигига ташкил этилган аксилтеррор коалицияни қўллаб-қувватлади.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари орзу-истакларига уйғун бўлаётган таҳдидбардошлиқ фаолияти Марказий Осиё минтақасида таҳдидбардошлиқ ва осойишталикни сақлаш, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдек муқаддас вазифага мамлакатимиз доимо изчил амал қилди ва бунга ҳозиргача оғишимай, қатъиятлик билан ёндашмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида нуфузи ортиб боришига хизмат қилди.

Халқаро терроризмга қарши қурашда Ўзбекистон ўзининг сўзида қатъий турган давлатлардан ҳисобланади. Ўтган йилнинг март ойида АҚШнинг Ироққа нисбатан куч ишлатиб уни қуролсизлантириш борасидаги фаолиятини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлади. Чунки, Ироқда мавжуд бўлган тузум, демократик қадриятларни инкор этиб, минтақада хавфли сиёсат юргизаётган эди. АҚШнинг Ироққа нисбатан тутган сиёсатининг негизида, озодликни ҳимоя қилиш фояси, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш чораси туради. Чунки, терроризмнинг кучайиб бориши, камикадзе гурухларнинг тайёрланиши энг қудратли ҳарбий-

саноат мажмуаларига эга давлатларнинг ҳам хавфсизлигига раҳна сола бошлаган эди.

Терроризмга қарши қурашда барча давлатлар яқдил фикр билдирган бўлса-да, амалий фаолиятда айрим давлатлар қатъиятсизлик қилган бўлсалар, айримлари очиқдан-очиқ ўзларининг сиёсий манфаатлари йўлидаги тор мақсадларни кўзладилар. Ҳолбуки, Ироқда олиб борилаётган уруш аслида, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга қаратилган узоқ муддатли комплекс сиёсатнинг ажралмас қисмидир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви чоғида “Халқаро терроризмга қарши минтақалараро қураш маркази” очилгани ҳам бу борадаги яққол мисолдир.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш билангина барқарорликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мумкин. Зоро, умуммиллий манфаатларга ҳар томонлама мос келадиган сиёсат юритиш ва ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши қурашиш, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Бу вазифани Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрларидан келиб чиқсан ҳолда, амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: “Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқи ва жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бу борадаги ишларимизнинг асосий маъно мазмунига айланиши даркор” [5].

Мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти амалдаги Ҳаракатлар стратегияси асосида ёшлиарни маънавий тарбиялаш, уларга чукур билим бериш, муттасил китоб мутолааси даражасини ўстириш билан бевосита боғ-лиқдир. Шунинг учун тараққиётимиз моделининг ажралмас таркибий қисми сифатида миллий истиқлол ғояси аоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифода этадиган мамлакат мустақиллиги, юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу ғояларни ҳаётда татбиқ этиш, ҳар бир оила, маҳалла-кўйнинг фарновонлигини таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифадир.

Маънавий қадриятларимизнинг энг муҳим жиҳатлари оилавий муносабатлар ва қариндошлиқ ришталари билан боғлиқдир. Ўзидан каттани қадрлаш, кичикни иззат қилиш миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатларидандир. Ахлоқий нормалар жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар,

синфлар, қатламларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларга бўлган муносабатларини ҳам белгилайди. Шунинг учун, энг аввало, миллий истиқлол ғоясининг ўзи нима эканини, унинг бошқа мафкуралардан фарқланадиган жиҳатларини аниқлаб олишимиз керак. Одамларга кенг халқ оммасининг манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи ғояларгина уларни эзгу ишларга томон бирлаштиради, деган ҳақиқатни тушунтириш лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мамлакатимиз олимлари ва мутахассилари томонидан ҳозирги глобаллашув даврида турли ғоявий таҳдидлар ва мафкуравий хуружларни илмий таҳлил қилиш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш, уларда халқимизнинг эзгу интилишларига содиқликни шакллантириш ҳақида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада энг муҳим тадқиқотлар орасида замонавий ёшларни камолга етказиш масалалари Э.Бобомуродов, С.Жўраев, Г. Туленова, М.Юлдашев, З.Қодироваларнинг илмий ишлари ва асарларида ўз ифодасини топганини қайд этишимиз зарур.

Сиёсатшунос Ш.Пахрутдиновнинг “Таҳдид – ҳалокатли куч”, “Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари”, “Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти” каби асарларида аввало жамиятнинг таҳдидбардошлигини мустаҳкамлаш ва шу жумладан, ёш авлоднинг бу борадаги кўникмаларини шакллантириш масалалари устувор аҳамият касб этган [6].

Айни пайтда, Н.Темирова, Ш.Эрматов, Т.Қурбонов, Р.Қурбонов, Д.Рахимова, Г.Тиллаева каби мутахассисларнинг ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан амалга оширган изланишларида ҳам бизнинг мавзуимиз учун муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, ёшлар ҳаётида муҳим бўлган “Мафкура” атамаси XVIII аср охирида Францияда Антуан-Луи-Клод Дестют, граф де Траси томонидан киритилганини алоҳида қайд этиш лозим. У Этьеном де Кондильяк билан биргалиқда ғоялар шаклланишининг умумий тамойиллари ва инсон асослари ҳақида фан яратишга ҳаракат қилганлар [7].

Мазкур олимлар изланишларидан асосий эътибор нафақат мамлакатда балки минтақадаги барқарорликни таъминлашдаги устувор омиллар тадқиқига қаратилган. Бироқ, уларда ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғуси ҳақида биронбир фикр қайд этилмаган.

НАТИЖАЛАР

“Ёшларнинг таҳдидбардошлиги” тушунчаси мазмун-моҳиятини тадқиқ қилишга бағишлиланган асарлар ва илмий изланишлар натижаларини ўрганиш уларнинг аксарияти илмий-оммабоп характерга эга эканини кўрсатади. Бу муайян даражада ана шу соҳадаги тарғибот ишларининг долзарб ҳаётий аҳамиятга эгалиги билан изоҳланади. Мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш билан бирга, фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилишини ташкил этиш бугунги кунда олимларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Бу жиҳатдан, Республика Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда “Ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғусини шакллантириш ва такомиллаштириш” мавзусида маҳсус илмий-амалий лойиҳани яратиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу лойиҳа доирасида “Ўзбекистон фуқароларида ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғусини шакллантириш концепцияси” ва у асосдаги республика амалий фаолият дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Бундай концепцияга эҳтиёж турли ғаразли мақсадларни амалга оширишга қаратилган бузғунчи ғояларнинг ёйилишига қарши кураш, таҳдидбардошлиқ ва хавфсизликни сақлашда фуқароларнинг хушёрлиги ва огоҳлигини янада ошириш масаласига алоҳида эҳтиёж борлиги билан изоҳланади.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги фаолият доимий эътиборни талаб қилишини назарда тутиб, юзага келадиган муаммоларни изчил ва мунтазам асосда ҳал қилиб бориш зарурлиги шубҳасиз.

МУҲОКАМА

Ижтимоий фанларда “таҳдидбардошлиқ” тушунчасининг мазмuni, хусусиятлари ва кўринишларини ўрганиш файласуфлар, тарихчилар, сиёсан-шунослар, психологлар, социологлар тадқиқотларида катта ўрин эгаллайди. Уларда кўпроқ бу тушунчанинг ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий таҳлилига, унинг маданият, маънавият ва маърифат соҳаси билан ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор берилган.“Ёшларнинг таҳдидбардошлиги” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили ҳам ана шу йўналишдаги умумий ёндашувларга мос келади.

Бугунги кунда бундай умумийлик билан бирга, ёшларга хос таҳдидбардошлиқ туйғусини тадқиқ этишга нисбатан турлича ёндашувлар ҳам мавжуд.

Улардан кенг тарқалгани сиёсий, тарихий, фалсафий, социологик, аксиологик, функционал, дидактик, семиотик, антропологик ва гуманистик ёндашувлардир. Мазкур ёндашувларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлса-да, уларга хос умумийлик ҳар бир инсонда акс этадиган таҳдидбардошлик хусусияти доирасида ёрқин намоён бўлишини унутмаслик лозим.

Мутахассислар бутун дунё, минтақамиз ва мамлакатимиз ёшларига хос таҳдидбардошлик ҳақида фикр юритганда мавзунинг кенг қамровли ва ниҳоятда ўзига хослигига алоҳида аҳамият беришади. Хусусан, таниқли сиёсатшунос олим, с.ф.д, профессор Ш.Пахрутдиновнинг “Таҳдид – ҳалокатли куч” асарида ва “Таҳдидбардошилик” – ҳозирги замон жамия-тининг муҳим шарти” [8] мақоласида таҳдидбардошликтининг мазмун-моҳияти ва шаклланиш тамойиллари, унинг инсон ва жамият ҳаёти учун нақадар муҳим аҳамиятга моликлиги ҳақида чуқур назарий-методологик фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Олимнинг “Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва хушёрлик тамойиллари”, “Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти” [9] каби асарларида эса бу борадаги хулосалари янада мустаҳкамланган ва мавзунинг кўплаб муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу асарлардаги хулосалар ва фикр-мулоҳазалар жамият ва инсонга хос таҳдид-бардошлик кўплаб жиҳатларга кўра тавсифланади, яъни ушбу тушунча ва унинг асосида шаклланадиган туйғу турли таҳдидларга нисбатан қаршилик ва ҳар қандай хавф-хатарга нисбатан огоҳ ва хушёр бўлиш зарурлиги тамойиллари билан белгилаланади.

Айни шу масалалар олимнинг шогирдлари томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда ва бу борада У.Бутаевнинг 2018 йилда ҳимоя қилган “Ўзбекистонда демократик жамият ривожида тинчлик ва барқарорликнинг ўрни” [10] мавзудаги илмий ишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ёшларда таҳдидбардошилик туйғусини шакллантириш муаммосини ҳал этишнинг назарий асосларини ёритишда мамлакатимизда бир қатор қарашлар илгари сурилгани эътиборни тортади.

ХУЛОСА

Ёшларда таҳдидбардошилик туйғусининг мазмун-моҳиятини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш, мазкур масалага бағишлиланган ҳужжатлар, илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш ва бу борада олиб борилаётган амалий ишларни ўрганиш бир қатор умумий хулосаларга келиш имконини беради.

1. Ёшларга доир таҳдидбардошлиқ туйғуси муайян давр тақозоси сифатида халқнинг туб манфаатларини ифода этиб, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг инъикоси тарзида намоён бўлади. Унинг тўғри англаниши ва аниқ ифодаланиши ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғусининг маънавий-руҳий мезон ва ҳаракат дастури сифатида таъсир кўрсатиш даражасини белгилаб беради. Бу омил, жамият ривожланишини таъминловчи маънавий-маърифий асосларни янада мустаҳкамлашга, Янги Ўзбекистон авлодини тарбиялашга хизмат қиласди.

2. Ёшлардаги таҳдидбардошлиқ туйғуси, факатгина субъектив ва тасодифий ҳодиса эмас, балки мамлакатимизда яшаётган кишилар ҳаётининг табиий ҳосиласи бўлган ижтимоий жараённинг таркибий қисмидир. Бу жиҳатдан, жамиятимизга хос таҳдидбардошлиқ яхлит бир ҳодиса бўлиб, бугунги тарихий вазият ҳамда ижтимоий-сиёсий субъектларнинг ҳамкорлиги натижасидир. Ана шу ҳамкорликка доимий озуқа берадиган муайян тасаввурлар, ҳис-туйғулар, мақсадларга асосланган маънавий қарашлар тизими ҳамда амалий фаолият тамойиллари ёшларга хос таҳдидбардошлиқ маданиятининг асосини ташкил этади.

3. Ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғуси алоҳида шахс ҳамда у мансуб бўлган ижтимоий субъектларнинг ўзига хос мақсад ва эҳтиёжларига мос тарзда шаклланадиган ғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида намоён бўлгани сабабли ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос регулятори, субъектлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили тарзида амал қиласди.

4. Ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғуси ўзига хос ва мураккаб тузилишга эга бўлган шахсий ҳамда ижтимоий манфаатларни бирлаштиради, муайян ижтимоий қатламлар, миллатлар, партиялар ва бошқаларнинг ўзга ижтимоий субъектлар ҳақ-хуқуқлари билан ҳисоблашувига олиб келади. Шу тариқа одамлар турли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-техник йўналиш таҳдидбардошлиқ ва барқарорлик чегараларининг кенгайиши ва чуқурла-шиши учун умумий мақсадлар йўлида бирлашадилар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритадилар.

5. Жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар амалга оширилаётган ислоҳотлар турли муаммо ва вазифалар, таҳдидлар бугунги кунда ёшларда таҳдидбардошлиқ туйғусини тарбиялаш тизими олдида турган вазифаларнинг кўлами ва моҳиятини белгилаб бермокда. Уларнинг орасида жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни тўғри тушуниш ва англаш, бағри кенглик, бошқаларни ҳурмат қилиш ҳар бир кишида барқарорлик ва таҳдидбардошлиқ учун

масъулият туйғусини шакллантиришга эришиш ушбу соҳадаги энг долзарб вазифалар бўлиб ҳисобланади. Мазкур вазифаларниң ҳал этилиши мавжуд барқарорлик ва тинч-тотувликни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам асос бўлиб ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асари: –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й.-бет 316, (Mirziyoev, Sh.M.(2021). New Uzbekistan strategy. Tashkent, Uzbekistan, p.316.)
2. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисида, 1992 йил 3 июль, 641-XII-сон Қонуни. lex.uz/acts/23629 Ўзбекистон Республикаси
3. Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5831865>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021 — 2026-йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисида ПФ-6255-сон Фармони lex.uz/docs/5491626
5. Р.Сайфуддинов “Ислом – тинчлик ва бағрикенглик динидир” мақоласи 2017 йил 16 ноябрь (Article by R. Saifuddinov “Islam is a religion of peace and tolerance” November 16, 2017) <https://mehrob.uz/article/450>
6. Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев ва бошқ. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари.–Т., F.Ғулом номидаги НМИУ, 2008. 456 б.; Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Т.: Akademiya, 2011. -304 б.; Пахрутдинов Ш. «Таҳдидбардошлиқ» – ҳозирги замон жамиятининг муҳим шарти / Фуқаролик жамияти. -Тошкент, 2010. -№ 2 122 б. (Sh. Pakhrutdinov, T. Juraev and others. National interests and leadership responsibility. Principles of awareness and vigilance.- T., NMIU them. G. Guloma, 2008. 456 p.; Pakhrutdinov Sh. Sustainable development and managerial responsibility. -T.: Academy, 2011. - 304 p.; Pakhrutdinov Sh. "Tolerance to the threat" - an important condition of modern society // Civil Society. - Tashkent, 2010. - No. 2 122 p.)
7. Дильтей В. Описательная психология / Перевод с немецкого Е. Д. Зайцевой под ред. Г. Г. Шпета. - СПб.: Алетейя, 1996. - 160 с.; Шпрандер Э. Новая философская энциклопедия: в 4 тт. / Под. ред. В. С. Стёпина. - М.: Советская энциклопедия, 2010. — 2816 с.; Траси, Антуан-Луи-Клод. Основы идеологии. Часть первая: Идеология в собственном смысле слова / Д. А. Ланин

(перевод, предисловие, комментарии). - М.: Альма (Dilthey V. Descriptive psychology / Translated from German by E. D. Zaitseva under red. GRAM. GRAM. Shpet. - St. Petersburg: Aleteyya, 1996. - 160 p.; Shprager E. New Philosophical Encyclopedia: in 4 volumes / Under. ed. V. S. Stepin. - M.: Soviet Encyclopedia, 2010. - 2816 p.; Tracey, Antoine-Louis-Claude. Fundamentals of ideology. Part one: Ideology in the proper sense of the word / D. A. Lanin (translation, prediction, commentary).

8. Пахрутдинов Ш. “Таҳдид – ҳалокатли куч”. –Т.: Академия, 2006; «Таҳдидбардошлиқ» – ҳозирги замон жамиятининг мухим шарти // Фуқаролик жамияти. -Тошкент, 2010. -№ 2. 55 б. (Pakhrutdinov Sh. "Threat is a deadly force." –T.: Academy, 2006; "Tolerance to the threat" - an important condition of modern society // Civil society. - Tashkent, 2010. - No. 2. 55 p.)
9. Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Т.: Akademiya, 2011. - 304 б. Pakhrutdinov Sh. Sustainable development and managerial responsibility. -T.: Academy, 2011. - 304 p.
10. Бутаев У. Ўзбекистонда демократик жамият ривожида тинчлик ва барқарорликнинг ўрни. Сиёсий фан. докт. (PhD)дисс –Т.: ЎзМУ, 2018. (Butaev U. The role of peace and stability in the development of a democratic society in Uzbekistan. Political science. doctor (PhD) diss - T.: UzMU, 2018.)
11. Алиев, Б. (2022). Тараққиётда ахборотлашув ва рақамли иқтисодиёт. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 933–947. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-933-947>
12. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
13. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.
14. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ulg’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
15. Adashova, M. (2022) Abu Mansur Moturidiy falsafiy merosida shaxs ma’naviyatini yuksaltirish masalalari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social science. 2 (1) ISSN 2181-1784.